

КАСБ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!



№59-60
(912-913)
2025 йил 9 август

О'ЗБЕКИСТОН

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев олий ўқув юртлири битирувчилари бандлигини таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Охири етти йилда қабул 4,5 баробар ошиб, ёшларнинг олий таълим билан қамрови 42 фоизга етган бўлса-да, кадрлар тайёрлаш тизими реал эҳтиёжга мос эмас.

Мисол учун, Жиззахдаги "BYD" заводда 100 та вакант бор. Шунинг тўртдан бири - робототехника ва бўёқлаш, роботларни дастурлаш муҳандислари. Завод тўлиқ қувватга ўтса, малакали кадрларга талаб янада ортади.

Олий таълимда ўқитиладиган кадрлар билан иш берувчилар талаби ўртасида фарқ катта. Оқибатда корхоналар четдан тайёр мутахассис жалб қилишга мажбур бўлаётти. Ҳар бир талабани олийгоҳда ўқитиб, мутахассис қилиб тайёрлаш учун давлат йилига 25-30 миллион сўм сарфлаётти. Лекин, тўрт йил умрини сарфлаб, диплом олган ёшларнинг ярмидан кўпи оддий-оддий ишларда банд.

Сўнгги йилларда 40 та олий ўқув юртига молиявий мустақиллик берилгани самарасида иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, хорижий тиллар ва педагогика йўналишидаги мутахассисларнинг ўз маблаг пайдо бўлди. Лекин қишлоқ хўжалиги, ветеринария, муҳандислик, аниқ ва табиий фанлар йўналишлари ёшлар учун жозибдор эмас.

Тармоқлар билан боғлиқликни ошириш мақсадида 25 та муҳандислик билим юрти ҳамкор корхоналарда 438 та кафедра очди. Масалан, нефть-газ тармоғи таълим-ишлаб чиқариш кластерларини ташкил қилган. Шундай амалиёт натижасида Бухоро техника университетининг 2 мингдан зиёд битирувчиси ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашган. Илмий тадқиқотни тижоратлаштириш 10 қарра олган.

Яқин йилларда мамлакатимизда 83 миллиард долларлик йирик лойиҳалар ишга тушиши режалаштирилган. Уларнинг ҳисобига sanoatning ўзида 500 мингга яқин мутахассисга эҳтиёж пайдо бўлади.

Масалан, Бухоро вилоятида йирик газ-кимё мажмуаси қуриломоқда. Хорижий компаниялар билан ҳамкорликда Устюртда катта лойиҳалар бошланмоқда. Буларнинг барчаси олий таълимни соҳалар талаби даражасига кўтариш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ёшлар бандлиги қамровини жадал оширишни талаб этади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари бу борадаги янги ташаббусларни маълум қилди.

Энди қиймати 1 миллион доллардан, ишчилар сони 50 тадан кўп бўлган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосида соҳалар ва йўналишлар кесимида мутахассисларга эҳтиёж кўрсатилади. Бу орқали маъсул вазир ва тармоқ раҳбари олий ўқув юртига буюртма жойлаштириб, кадрларни мақсадли тайёрлашни йўлга қўяди.

Бунда ректорлар буюртма асосида ўқитган талабалар учун асосий фанлардан ташқари, қўшимча таълим модуллари жорий қилади. Уларни ўқитган талабаларга кредит баллари берилади.

Талабаларнинг билими иккинчи курсдан кейин уларни ишга олмақчи бўлган инвесторлар иштирокида йиллик баҳоланади. Битирувчи диплом ишини лойиҳада қўйилган масалалардан келиб чиқиб, ҳимоя қилади. Бир сўз билан айтганда, инвестор талабига мос битирувчилар қафолатли ишга олинадиган бўлади.

Меҳнат муносабатларида хусусий сектор учун манфаатли тизим яратиломоқда. Энди битирувчини ишга олганлик учун тадбиркорлик рейтингига қўшимча балл берилади. Олий таълим муассасаси уларни бўш ўрин бор корхонага йўналтиради.

Йиғилишда ректорлар ваколати ва маъсулиятини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Шу мақсадда Янги Ўзбекистон

университетининг баҳолаш тизими бошқа муассасаларда ҳам йўлга қўйилиши белгиланди.

Бунда олий ўқув юртига битирувчилар бандлигига қараб 40 балл, илмий тадқиқотлар учун тармоқ буюртмаси ва маҳсулотини сотишига қараб 30 балл, илмий салоҳияти ва тан олинган халқаро журналлардаги мақолалари учун 20 балл, жалб қилинган маҳаллий ва хорижий грант учун 10 баллгача берилади. Ушбу балларга қараб, молиялаштириш тизими жорий қилинади.

Янги Ўзбекистон университетига "Ректорлар мактаби" дастури орқали ректор ва проректорликка номзодлар мақсадли тайёрланади.

Энди барча олий ўқув юртлири ташкилий ва академик мустақил бўлади. Жумладан, ректорлар ўринбосарларини ўзи тайинлайди, белгиланган миқдор доирасида профессор-ўқитувчилар ва бошқарув ходимларини тақсимилайди. Шунингдек, ректорларга "супер контракт" миқдорини табақалашган ҳолда белгиланган ваколати берилади.

Мутасаддиларга ушбу янгиликларни адолатли ва тизимли йўлга қўйиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим ташаббусни илгари сурди.

Маълумки, ҳужжат топширишда аби-туриентлар 5 тагача олий ўқув юртига танлашади. Бу ёшлар учун жуда катта имконият бўлди.

Энди бу янада кенгайтирилади. Аби-туриентлар танловидан бирортасига қиролмаган бўлса, лекин бали бошқа олийгоҳдаги тўлмаган йўналишга тўғри келса, уларни шартнома асосида қабул қилиши мумкин бўлади.

Йиғилишда ёшлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, бу йилги 92 минг битирувчининг кейинги фаолиятида кўмаклашиш чора-тадбирлари белгиланди.

Қайд этилганидек, улардан 20 минг нафари магистратура ва иккинчи мутахассислик билан қамраб олинади. Яна 20 минг бандлик вазирига орқали стаж талаб қилмайдиган ишларга жойлаштирилади.

Ҳар бир вилоятда "бизнес инкубаторлар" ташкил қилиб, тадбиркорлик, маркетинг, дизайн, ахборот технологиялари соҳаларида 10 минг битирувчини банд қилиш мумкинлиги айтилди.

Шунингдек, кимё, энергетика, геология, автосаноат, металлургия, тўқимачилик, электротехника, қурилиш, транспорт, логистика каби иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда ёшларни иш билан таъминлаш имкониятлари кўрсатиб ўтилди.

Тижорат банклари орқали 20 минг битирувчининг бизнес бошлаганига кўмаклашиш режалаштирилган. Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш учун Миллий банк ва Алоқа банкка бу йил 300 миллион доллар ажратилган.

Банклар маъмуриятимизда кредит ресурсининг бир қисmini битирувчиларни ишга олган корхоналарга ҳам бериш ташаббусини билдирди. Энди бундай тадбиркорларга 5 миллиард сўмгача 18 фоизли кредит берилади. Ушбу янги тизим нафақат бу йилги, балки ўқиниш тугатганига 3 йил бўлмаган битирувчилар учун ҳам татбиқ қилинади.

Уюшмаган ёшларни алоҳида меҳр-эътиборга олиб, фойдали машғулотларга йўналтириш муҳимлиги таъкидланди. Уларни касб ва тил ўрганиш тўғрисида, спорт мусобақалари, ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларига жалб қилиш бўйича вазифалар белгиланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа мутасаддилари, ректорлар ва тадбиркорларнинг фикрлари эшитилди.

Ў.А.

Эзгу фаолиятингизда омад ёр бўлсин!



Козим ТУЛЯГАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийлар кенгаши раиси.

Мамлакатимизнинг қурилиш соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган барча бунёдкорларни касб байрами билан Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийлар кенгаши номидан табриклайман.

Дарҳақиқат, ватанимизнинг янги қиёфасини барпо этиш, юксак тараққиётини таъминлаш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишда моҳир қурувчилар ҳамда малакали меъморларнинг ҳиссаси катта. Бу заҳматкаш касб соҳибларига кеча билан кундузнинг, фаслнинг аҳамияти йўқ, уларга ёзнинг жазирамаси қишнинг қаҳратони писанд эмас. Фидойилик билан қилаётган

меҳнатларидан қўзланган ягона мақсади - юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини таъминлашдан иборат.

Бугунги кунда уларнинг меҳнатлари билан барпо этилган "Янги Ўзбекистон" боғи, Янги Тошкент шаҳри қурилиши ҳамда Тошкент шаҳрининг қоқ марказида Адиллар хиёбонининг ялғиз меъморий ансамбли яратилгани маънавий ҳаётимиздаги унутилмас

воқеа бўлди. Бундан ташқари, Тошкент ер усти халқа метро йўли, Юнусобод ва Сергелидаги янги метро йўналишлари, Яшнобод туманидаги уч қаватли мухташам кўприк, Ислон цивилизацияси маркази ва унинг худудида амалга оширилган ишлар, кўп квартиралли турар жой бинолари, ижтимоий соҳа объекти ва бошқа кўплаб муҳим иншоотлар қўли гул қурувчиларимизнинг улкан салоҳияти ҳамда маҳоратидан далолат бериб турибди.

Қурилиш соҳаси ходимлари қуни муносабати билан, яна бир бор барчангизни касб байрами билан қутлайман. Қўлингиз асло дард кўрмасин, хамиша соғ-саломат бўлинг, эзгу фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман!

Давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳрида энергетика тизимининг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари бўйича ахборот берилди.

Тақдиротда энергетика вазири пойтахтимиздаги ҳар бир туман ва маҳаллалар кесимида режаларни баён қилди.

Унга кўра, бу йил биринчи босқичда 374 километр тармоқ, 11 та подстанция, 62 та трансформаторни янгилаш кўзда тутилган. Келаси йил яна 788 километр тармоқ, 35 та подстанция ва 145 та трансформатор модернизация қилинади.

Президентимиз куз-қиш мавсумига оз фурсат қолганига эътибор қаратиб, бу йилги режани 1 ноябргача якунлаш зарурлигини таъкидлади.

АНОНС

Азиз газетхонлар!

Анъанага кўра, "O'zbekiston bunyodkori" ижтимоий-иқтисодий газетасининг Қурилиш соҳаси ходимлари қунига бағишланган махсус байрам сони нашр этилмоқда. Унинг саҳифалари орқали республикамизда фаолият юритаётган соҳа ходимлари фаолияти, фаол қурилиш ва лойиҳа ташкилотлари тажрибаси ҳамда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари акс этган мақолалар билан танишасиз.



Ўйлаймики, газетамизнинг махсус байрам сонидан ўрин олган мақолалар сизларга манзур бўлиб, байрамона кайфиятингизга янада кўтаринклик бағишлайди.

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШ СОҲАСИ: Ислоҳотлар ва имкониятлар натижаси



Искандар ҲОҚБОВ, Барқарор ривожланиш маркази эксперти.

Қурилиш соҳаси иқтисодийнинг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, у ижтимоий инфратузилма, уй-жой ва саноат объектларини ривожлантириш орқали барча соҳаларга мультимпликатив таъсир кўрсатади. Ҳар бир янги лойиҳа меҳнат ресурслари, материаллар ва жиҳозларга талабни ошириб, янги иш ўринлари ва хизматлар инфратузилмасини шакллантиради.

Ўзбекистонда кейинги йилларда қурилиш соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш ва халқаро стандартларга мослашиш устувор йўналиш сифатида белгиланган. Жумладан, Building Information Modeling (BIM) технологиялари, дроңлар орқали мониторинг ва рақамли назорат платформалари амалиётга жорий этилди. Шу билан бирга, экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида энергия самарадорлиги талаблари кучайтирилиб, қайта ишланган материаллардан фойдаланиш мажбурий этиб белгиланди ҳамда "Яшил сертификат" тизими жорий этилди.

"Ўзбекистон - 2030" стратегияси ва унинг БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) билан уйғунлиги мамлакатнинг глобал майдондаги позициясини мустаҳкамлаб, қурилиш соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириди. Стратегиянинг 60-мақсади доирасида урбанизация даражасини 60 фоизга етказиш, ҳудудларда 1 миллион хонадонли уй-жойлар қуриш, "Янги Ўзбекистон" массивларини 100 тагача кўпайтириш, эски биноларни реновация қилиш, қурилишда янги стандартларни жорий этиш ва кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш учун қонуний базани шакллантириш ишлари амалга оширилмоқда.

СОҲАНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ

2024 йилда иқтисодиётда банд бўлган 14,3 миллион аҳолининг 9,5 фоизи қурилиш соҳасида фаолият юритган. ЯИМ ҳажми 115 миллиард долларни, бунда қурилиш тармоғининг улуши 7 фоизни ташкил этди. Бу эса, ўз навбатида соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, иш ўринлари яратиш ва инвестицияларни жалб этиш орқали иқтисодий ўсишга ҳисса қўшаётганининг яққол ифодасидир.

Хусусан, ўтган йилда 40 миллион квадрат метр бино-иншоотлар қурилди, шу жумладан, 100 минг хонадонли 2 044 та кўп қаватли уйлар барпо этилиб, 350 минг киши иш билан таъминланди. Ёндош тармоқларда 11 триллион сўмлик бозор ҳосил бўлиб, иқтисодиётда 73 триллион сўм маблағ айланди ва бюджетга 14 триллион сўм тушди. Қолаверса, соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024 йилда 59 минг шахсга 17 триллион сўм ипотека кредити ва қурилиш компанияларига 3 триллион сўм айланма маблағ ажратилди. Бу, ипотека ва айланма маблағлар орқали қурилиш ни молиявий рағбатлантириш самарадорлигини кўрсатади.

2020 йилда 12,9 миллион квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 14,8 миллион кв метрга етди (ўсиш 15,3 фоиз). Бу, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш ва шаҳарсозлик сивасати самарасининг амалдаги ифодасидир.

2025 йилнинг июль ойидан эскроу тизими жорий этилди. Бу девелоперларга 1 миллиард доллар айланма маблағ жалб қилиш имконини беради ҳамда ипотека ва субсидиялар қурилиш билан бирга бошланади. Бундан қўзланган мақсад - аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш, қурилишнинг шаффофлиги ва сифатини таъминлаш ҳамда жараёни рақамли назорат қилишидир.

Тошкент шаҳар Бош режаси тасдиқланди. Қурилишга руҳсат ва архитектура-режалаштириш топшириғи ягона тизимга бирлаштирилиб, вақт икки баравар қисқартирилмоқда. Бу тизим бошқа вилоятларда ҳам жорий этилади. Соҳада "яшил" стандартлар, энергия самарадор технологиялар, "ақли шаҳар" ва "ақли уй" тамойиллари амалиётга татбиқ этилмоқда. Давлат объектларига видеокузатув ўрнатилиши, маълумотларни онлайн

узатиш, ноқонуний қурилишларга жамоатчилик назоратини кучайтириш ва қурилиш олдига QR кодли маълумотларни жойлаштириш каби чоралар қўрилмоқда.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЎЗЛАШТИРИЛИШИ

Сўнгги етти йилда мамлакатимизда қарийб 100 миллиард долларлик қурилишлар амалга оширилган бўлиб, соҳадаги ишлар ҳажми йилга ўртача 7-8 фоиз ўсмоқда. Демак, қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг барқарор ва динамик тармоқларидан бирига айланаётганини ҳамда инфратузилмани янгилаш, иш ўринлари яратиш ва саноатни рағбатлантиришда муҳим роль ўйнаётганини кўрсатмоқда.

2024 йилда турар жойлар қурилишида 25 триллион сўм инвестиция ўзлаштирилди. Шу жумладан, республика бюджети маблағлари 138,8 миллиард сўмни, корхоналар маблағлари 81,1 миллиард сўмни, аҳоли ҳиссаси эса 23,5 триллион сўмни ташкил этди. Қолган 1,3 триллион сўм бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилди. Бу ҳолат давлат ресурсларига бўлган юкни камайтиради экан, бозор механизмларининг устувор аҳамият касб этаётганини ҳамда давлат ва хусусий сектор маблағларининг мутаносиблиги соҳанинг барқарорлигига хизмат қилаётганини кўрсатади.

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ БАЖАРИЛИШИ

2020 йилда 88,1 триллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 233,8 триллион сўмга етди (ўсиш 165,4 фоиз). Бундай юқори суръат инфратузилмани модернизация қилиш, турар жой ва ишлаб чиқариш объектлари қурилиши ҳамда шаҳарсозлик фаолашгани билан изоҳланади. Шу билан бирга, бу ўсиш иш ўринлари кўпайиши, маҳаллий мате-

риалларга талаб ошиши ва инвестиция муҳитининг яхшиланишини кўрсатади. Жумладан, ўсиш суръатлари бино ва иншоотлар қурилишида 105,5 фоизни, фуқаролик объектлари қурилишида 124,7 фоизни ва иқтисодлаштирилган қурилиш ишларида 106,4 фоизни ташкил этди.

2024 йил якунларига қўра, қурилиш тармоғида яратилган янги қўшилган қиймат ҳажми 96,8 триллион сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда қурилиш ишлари ҳажми 8,8 фоизга ўсди. Ўтган йил якунлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан 753,2 триллион сўм миқдорда қўшилган қиймат яратилган бўлса, шундан 10,1 фоизи қурилиш тармоқлари соҳасига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида 2024 йилда амалга оширилган қурилиш ишлари таркибини ушбу жадвал орқали кўриш мумкин.

2024 йилда амалга оширилган умумий қурилиш ишларининг асосий қисми - 75,6 фоизи ёки 176,8 триллион сўм - иқтисодиётда янги бинолар ва иншоотларни, яъни турар жой ва бошқа ижтимоий объектларни барпо этишга тўғри келади. Умумий қурилиш ҳажми таркибида янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник қайта қуриш ишлари бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши 40 фоизни ташкил этди. Шунингдек, норасмий сектор 34,5 фоиз, йирик ташкилотлар эса 25,5 фоиз ҳиссага эга бўлди.

Ўтган йилда турар жойлар қурилишига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 38,0 триллион сўмни ташкил этди ва умумий инвестицияларнинг 7,7 фоизига тенг бўлди. Шу билан бирга, қурилиш соҳасини ривожлантиришга ажратилган инвестициялар 27,0 триллион сўмни ташкил қилиб, жами инвестиция ҳажмида 5,5 фоизни ташкил этди.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ

2024 йил якунлари бўйича умумий қиймати 40 триллион сўм бўлган махсуслотлар ишлаб чиқарилиб, бу 2023 йилга нисбатан 112 фоиз ўсишни ташкил этди. Қурилиш материаллари экспорти 1 миллиард долларга етказилиб, 153 фоизга ўсди. Шу билан бирга, соҳада 2,2 миллиард доллар миқдорда инвестициялар ўзлаштирилди, шундан 1,4 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўлиб, умумий ўсиш суръати 112 фоизни ташкил этди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида эса 3,5 триллион сўмлик махсуслотлар ишлаб чиқарилиб, 128 фоиз ўсишга эришилди.

2025 йилда қурилиш материаллари саноатида ишлаб чиқариш ҳажмини 50 триллион сўмга етказиш режалаштирилган. Шунингдек, 1,2 миллиард доллар миқдорда экспорт операцияларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида эса 4,4 триллион сўмлик махсуслотлар ишлаб чиқарилиши вазифаси белгиланмоқда. Сўнгги етти йил мобайнида қурилиш материаллари саноатига 9 миллиард доллар миқдорда инвестициялар жалб этилди. Бу давр мобайнида соҳада 5 мингга яқин янги корхона ишга туширилди ва 94 мингга доимий иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ошди, йиллик товар айланмаси 100 миллиард сўмдан ошадиган корхоналар сони эса 150 тадан ортди.

Шунингдек, охириги беш йилда бунёдкорлик ҳажми 2 баравар кўпайган. 650 миллион долларлик янги махсуслотлар ўзлаштирилгани ҳисобига қурилишдаги импорт улуши 31 фоиздан 25 фоизга камайган. Сўнгги беш йилда мамлакатда бунёдкорлик ҳажми икки баробарга ошди. Шу даврда қиймати 650 миллион доллар бўлган янги турдаги қурилиш материаллари ўзлаштирилди. Бу эса қурилиш соҳасида импорт махсуслотларига бўлган эҳтиёжни сезиларли даражада камайтириб, умумий импорт улушини 31 фоиздан 25 фоизга туширишга хизмат қилди.

Қурилиш материаллари экспорт географияси кенгайиб, 2024 йилда махсуслотлар экспорт қилинган давлатлар сони 58 тага етди. Хорижий бозорларда 20 дан ортиқ савдо оморлари ҳамда 50 дан зиёд иқтисодлаштирилган савдо дўконлари ташкил этилди. Шу билан бирга, Президент томонидан қурилишда энергия сарфини камайтириш мақсадида базальт материалдан фойдаланишни кенгайтириш, қуёш нуруни қайтарувчи ойна, вермикюлит аранашмаси каби инновацион материалларни самарали қўллаш ҳамда биноларнинг фасад қисмларида фибро толали панелларни ишлатиш бўйича кўрсатмалар берилди. Бу эса, биноларнинг энергия сарфини камайтиришга хизмат қилувчи омиллар саналади.

СИФАТ НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШ

2024 йил август ойида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Муносиб турар жой масалалари бўйича махсус маърузачиси Балакришнан Ражагопал Ўзбекистонга амалга оширган ташири доирасида қурилиш ва турар жой масалалари бўйича ўрганиш олиб борди. Ундан сўнг, 2025 йил март ойида тайёрланган ҳисоботда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган йўналишлар кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, уй-жой ҳуқуқини таъминлаш, ҳудудларнинг бош режаларини шакллантиришда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш, коммунал хизматлар сифатини ошириш, қурилиш компанияларининг рейтингини мунтазам мониторинг қилиш ҳамда қурилишда сифат назоратини кучайтиришга қаратилган қатор тавсиялар берилган.

Қурилиш соҳасида сифат назоратини таъминлаш борасида бир қатор масалалар мавжуд. Биринчидан, қурилиш ишлари ҳажмининг ортиши ва инфратузилмага бўлган талабнинг кескин ўсиши мавжуд сифат назорати механизмларининг самарадорлигини таъминлашни қийинлаштирмоқда. Айниқса, малакали мутахассислар етишмовчилиги, замонавий назорат ва лаборатория ускуналарининг етарли эмаслиги, шунингдек, амалдаги технологиялар стандартлардан четга чиқиб ҳолатлари соҳа сифатини таъминлашга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Иккинчидан, ханузгача қурилиш соҳасида сақланиб қолаётган бюрократик тўсиқлар ҳам сифат назоратининг тизимли таъминлишига тўсиқлик қилмоқда. Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида "Шаффоф қурилиш" ахборот тизими жорий этилган бўлсада, ушбу тизимнинг тўлиқ ва самарали фаолият юритишини таъминлаш учун қўшимча ташкилий ва технологик чора-тадбирлар қўрилиши талаб этилади. Шу нуктага назардан, қурилиш соҳасида сифат назоратини самарали ташкил этиш ва тизим-

ли равишда амалга ошириш учун қатор устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Қурилиш материаллари бозорига сифатсиз ва амалдаги стандартларга жавоб бермайдиган махсуслотлар айланмаси ҳам сифат назорати тизимига таҳдид солмоқда. Ушбу хавфларни камайтириш мақсадида давлат назоратини кучайтириш, стандартлаштириш механизмларини такомиллаштириш, ҳамда лаборатория синовларини мажбурий тартибда ўтказиш юзасидан ҳуқуқий ва институционал асослар яратилмоқда.

Замонавий талабларга мувофиқ, янги қуриладиган биноларда энергия тежовчи ойна, қайта ишланган ҳошомлардан фойдаланиш ҳамда "яшил сертификат" талабларини жорий этиш орқали атроф-муҳитга таъсирини камайтириш ва барқарор ривожланиш мақсадлари кўзда тутилмоқда. Мазкур йўналишда давлат органлари томонидан қонунчилик ва техник регламентлар такомиллаштирилиб, жумладан, "яшил" қурилиш стандартларини жорий қилиш, ушбу стандартлар асосида сертификация тизимини ривожлантириш ва назорат механизмларини кучайтириш орқали қурилиш жараёнида барқарорлик тамойиллари янада мустаҳкамланмоқда.

СОҲА РИВОЖИ УЧУН МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАР

Ўзбекистонда қурилиш соҳаси жадал суръатларда ривожланиб, ундаги инвестициявий муҳит йил сайин янада жозибадорлик касб этмоқда. Давлат томонидан кенг қўламли инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, янги шаҳарлар ва турар жой массивларини барпо этиш, қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлаш орқали маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда қуйидаги устувор йўналишларга инвестиция қилиш фойдали ва стратегик аҳамиятга эга ҳисобланади.

Янги Тошкент лойиҳасига инвесторларни жалб қилиш:


- "Янги Тошкент" мегаполис лойиҳаси доирасида 2 миллион аҳолига мўлжалланган янги мегашаҳар қурилиши;
- 20 миллион йўловчига хизмат кўрсатадиган аэропорт ва "мультимода хаб" ташкил этилиши;
- халқаро даражадаги молия марказлари, офислар, савдо ва кўнглик мажмуалар қурилиши;
- яшаш, ишлаш ва дам олиш инфратузилмасини қамраб олган инновацион шаҳарсозлик концепцияси.

Қолаверса, "Янги Ўзбекистон" турар жой массивларини ҳудудларда жадал барпо этиш - қурилиш компаниялари ва девелоперлар учун янги лойиҳа ҳамда тендер имкониятларини яратади. Булардан ташқари, замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш, жумладан, ритейл, логистика ва хўжалик инфратузилмасига йўналтирилган объектлар қурилиши, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга инвестиция киритиш, айниқса, импорт ўрнини босувчи, энергия самарадор ва экология жиҳатдан мақбۇл махсуслотлар ишлаб чиқариш соҳасида ҳам бир қатор имкониятлар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда қурилиш соҳаси жадал ривожланиб, мамлакат иқтисодиёти ва инфратузилмасининг стратегик драйверларидан бирига айланмоқда. Соҳада рақамлаштириш жараёнининг жорий этилиши, "яшил стандартлар" ва барқарор қурилиш тамойилларининг кенг қўлланилиши, шунингдек, йирик инвестициявий лойиҳаларнинг амалга оширилиши унинг ўсиш суръатларини таъминламоқда.

Барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида ислоҳотларни изчил давом эттириш, хусусий сектор ва давлат ҳамкорлигини кенгайтириш ҳамда халқаро тажрибаларни жорий этиш соҳанинг узоқ муқаддаси самарадорлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида 2024 йилда амалга оширилган қурилиш ишлари





Бунёдкорлик ишлари аҳоли манфаати учун

Нигора НОЗИМЖОНОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртимизда жадал олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари орқали кўпқаб оилалар ўз уй-жойига эга бўлиб, мактабгача таълим ташилотлари, мактаблар ва бошқа ижтимоий соҳа объектларнинг фойдаланишга топширилиши эвазига келажак авлоднинг таълим-тарбия олишининг янада яхшиланишига ижобий таъсир этмоқда.

Наманган вилоятида ҳам бу борада бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятнинг Давлатобод туманида мактабгача таълим сифатини ошириш, болаларга қулай ва замонавий тарбия шарт-шароитларини яратиш мақсадида амалий ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, кўп йиллардан буён капитал таъмирга муҳтож бўлиб келаётган муассасалар босқичма-босқич реконструкция қилинмоқда. Шу мақсадда тумандаги "Мустиқлик" МФЙ ҳудудида жойлашган 55-мактабгача таълим ташкилотидан ҳам қайта куриш ва таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.



Тумандаги Мактаб ва мактабгача таълим бўлимига қарашли 55-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотидан 2025 йил инвестиция дастурига асосан курилиш ишлари учун танлов эълон қилинди, - деди ташкилот директори Нилуфар Муҳиддинова. - Танловда "Зиёнур" МЧЖ курилиш ташкилоти ғолибликни қўлга киритиб, бугунги кунда ташкилотда реконструкция ишларини фаол олиб бормоқда. Режага кўра, реконструкция ишлари жорий йилнинг 3 майдан бошланиб, октябрь ойида тамомланиши ва объект фойдаланишга топширилади.

Давлатобод туманидаги "Гулшан" МФЙ ҳудудида жойлашган 11-сонли оилавий поликлиника 2025 йил инвестиция дастурига киритилган бўлиб, унинг бино ва иншоотлари реконструкция қилиниши ва қўшимча бино куриш режалаштирилган. Бугунги кунда ушбу тиббиёт масканидан "Афсонавий курувчи" МЧЖ томонидан курилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

"Гулшан" МФЙ ҳудудида 22 ярим минг аҳоли истиқомат қилади, - деди Давлатобод тумани курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассиси Абдор Юсуфжонов. - Мазкур оилавий поликлиникага қўшимча бино кераклиги учун жорий йил инвестиция дастури асосида маблағ ажратилган. Йил охирига қадар ушбу биноларнинг курилишини яқунлаб, фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

"Яшил макон" компанияси томонидан 2024-2026 йилларда 1,5 минг хонадонга эга 8 та кўп қаватли уй курилиши режалаштирилган, - деди "Яшил макон" компанияси раҳбари Рустам Тургунов. - Жорий йил ҳолатига кўра, 730 та хонадон тайёр ҳолатга келтирилган бўлиб, ўз эгаларига топширилиш арафасида. Қолган уйлари 2026 йилда ўз эгаларига топширилиши ният қилганмиз.

Давлатобод туманида 2025 йилда жами 30 та кўп қаватли уй 2290 та хонадон курилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 17 та 1 272 хонадонли турар жойлар "Янги Наманган" шаҳарчасида, қолган 13 та 1 018 хонадон туманининг бошқа ҳудудларида курилади. Бугунги кунда улардан 180 хонадонли 3 та уй фойдаланишга қабул қилиниб, ўз эгаларига топширилди.

Вилоятнинг Тўрақўрғон туманида ҳам курилиш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда ушбу туманда Давлат дастури асосида аҳолини сифатли таълим ва уй-жой билан таъминлаш мақсадида бир қатор курилиш, обodonлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, "Гулқишлоқ" МФЙ ҳудудида жойлашган 29-умумтаълим мактабидан 600 ўринли мавжуд бино мукамал таъмирланмоқда ва қўшимча равишда 420 ўринли янги ўқув биноси курилмақда.

Тўрақўрғон туманида Президентимизнинг 454-сонли қарори асосида 2025 йилда 2 та умумтаълим мактаби, 2 та мактабгача таълим ташкилотини мукамал куриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш дастурга киритилган, - деди туман курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Улғабек Холматов. - 2025 йилда 240 хонадонли 4 та кўп қаватли уйлари куриш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 49 хонадонли кўп қаватли уйлари фойдаланишга топширилиш арафасида. Бундан ташқари, қолган кўп қаватли уйлари ҳам курилиш ишлари юқори суръатларда олиб борилмоқда. Ушбу уйлари йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши

режалаштирилганмиз. Курилиш ишларининг олиб борилишида белгиланган тартиб асосида муаллифлик назорати, техника ва жамоатчилик назорати доимий равишда эътиборга олинган.

Шунингдек, Хўжанд маҳалласидаги 34-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносидан ҳам мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда қўшимча 120 ўринли янги бино курилиши ҳам мўлжалланган. Ҳозирда бинога пойдевор қўйиш ишлари бажарилмоқда.

Хўжанд маҳалласида 22 километрлик йўл опен бюджет тизими асосида асфальтлаштирилди, - деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Икромжон Исоқов. - Бу йил 34-сонли мактабгача таълим ташкилоти учун янги замонавий икки қаватли бино куриш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Тумандаги Туркистон маҳалласида эса "Дилмакон" МЧЖ томонидан 9 қаватли 40 та хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уй курилиши амалга оширилмоқда.

Мингбулоқ туманида ҳам курилиш ва обodonлаштириш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Жумладан, "Ойбек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 2-сонли ДМТТ биноси "Стандарт" МЧЖ томонидан реконструкция қилиниб, 120 ўринга мўлжалланган янги бино курилмақда. Шунингдек, Маданият маҳалласида 40-сонли умумий ўрта таълим мактабини реконструкция қилиш, замонавий спорт зали ҳамда 180 ўринли янги ўқув биноси курилиши режалаштирилган.

Наманган вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси томонидан белгиланган режа асосида Мингбулоқ туманида курилиш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, - деди туман бош архитектори Бехзод Жўраев. - Хусусан, 2025 йилда туманда инвестиция дастурига тушган хозирги 2-ДМТТда 120 ўринли янги икки қаватли бино курилиши ҳамда 42-сонли мактабда спорт зал ҳамда янги қўшимча бино курилиши ишлари бошланган. Бундан ташқари, Мингбулоқ туманида аҳолини хонадон билан таъминлаш мақсадида 2025 йилда 4 та 5 қаватли жами 96 хонадонли кўп қаватли турар жой курилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда ушбу объектларда том ёпиш ишлари кетмоқда. Мазкур турар жойларни йилнинг иккинчи чорагида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бундан ташқари, туман аҳолисининг кўнглини дам олишини таъминлаш мақсадида Андижон кўчасидан оқиб ўтувчи канал бўйининг 2 километр қисмида аҳолига кенг ва қулай шароитлар яратиш учун курилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Тумандаги Қўриқобод маҳалласида эса "Шердор юрт бунёдкори" МЧЖ томонидан 2 та 5 қаватли 60 хонадонли турар жой бинолари курилмақда. Ушбу кўп қаватли уй-жойлар жорий йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Мулқобод маҳалласида эса "Мингбулоқ сифат курилиш савдо" МЧЖ томонидан яна 2 та 5 қаватли 36 хонадонли турар жойлар барпо этилмақда. Бу уйлар жорий йилнинг 3-, 4-чорақларида аҳоли ихтиёрига топширилади.

Наманган вилояти ҳудудларида амалга оширилаётган лойиҳалар аҳолини сифатли ва замонавий уй-жой билан таъминлашда муҳим қадим бўлиб, сифатли хизмат кўрсатиш даражасини оширишга замин яратаяди.

САМАРҚАНД дунё аҳлини ҳайратга солишда давом этмоқда



Баҳодир НЕГМАТОВ, Самарқанд вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.

Кейинги йилларда фақат Самарқандда эмас, бутун мамлакатимизда кенг кўламли курилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ушбу соҳага қаратаётган алоҳида эътиборлари натижасида курилишлар кўлами ниҳоятда кенгайиб бормоқда. Ҳудудларда йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланган янги аҳоли яшаш манзиллари, дам олиш масканлари, сайёҳлик объектлари, таълим ва тиббиёт муассасалари барпо этилди.

Қувонарлиси, бунёдкор ажодларимиздан мерос бўлиб келаётган макбараю мадрасалар, минораю майдонлар билан бир қаторда бугунги кунда Самарқанд вилоятида қад ростиётган замонавий иншоотлар ҳам дунё аҳлини ҳайратга солишда, қизиқишини оширишда давом этаяпти. Бунинг яққол мисолини "Боқий шаҳар"нинг доимий равишда хорижий сайёҳлар билан гавжумлигидан ҳам билиш қийин эмас.

Қолаверса, кейинги йилларда янги шаҳарчалар пайдо бўлди, вилоятимизнинг 4 та шаҳар ва туманларида "Янги Ўзбекистон" массивлари қад ростлади ва бу тад-

бирларнинг кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Хусусан, аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури доирасида 2024 йилда бажарилган ишлар ҳамда 2025 йилда амалга оширилиши белгиланган ишларнинг кўлами юқоридаги фикрларнинг тасдиғидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда уй-жой соҳасидаги ишхоналарни самарали ташкил этиш, "Янги Ўзбекистон" массивлари ва замонавий кўп квартиралар уйлар куриш кўламини кенгайтириш, ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш ҳамда жисмоний шахсларга ипотека кредити беришнинг замонавий ва барқарор

тизимини шакллантириш, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат дастурлари асосида Самарқанд вилоятида 2024 йил мобайнида 11 541 хонадонли 153 та кўп қаватли уй-жойлар куриб фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, жорий йилда ҳам самарқандлик курувчилар фидоийлик билан меҳнат қилишда давом этмоқда. Олдимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралдаги ПФ-26-сон Фармонида асосан, ҳудудларда 750 минг кв метрдан иборат 12 500 хонадонли 179 та

уй-жойларни куриш вазифаси турибди. Фармонга мувофиқ, жорий йилда 4 та "Янги Ўзбекистон" массивларида 4781 та хонадондан иборат 65 та уйларни куриб фойдаланишга топшириш белгиланган. Шундан, Булунғур тумани "Губдин" массивида умумий 278 хонадонли 13 та, Ургут тумани "Мерганча" массивида умумий 831 хонадонли 14 та, Самарқанд шаҳри "Қорасув" массивида 2888 хонадонли 31 та, Тойлоқ тумани "Чороғон" массивида 784 хонадонли 7 та кўп қаватли уй-жойлар курилиши режалаштирилган.

Ушбу уй-жойларнинг 1770 та хонадондан иборат 27 таси олдинги йиллардан ўтувчи, 3011 та хонадондан иборат 38 та уйлар эса янгидан курилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, уй-жойга талаб юқори ҳудудларда 7719 та хонадондан иборат 114 та уйлар куриб фойдаланишга топшириш белгиланган. Бугунги кунда барча 12 500 хонадонли 179 та уйлар Инспекция рўйхатидан ўтган ва курилиш ишлари бошланган. Ҳозирга қадар жами 1862 хонадондан иборат 34 та уйлар фойдаланишга топширилди. Қолган объектларда ҳам курилиш-таъмирлаш ишлари жадаллик билан давом этмоқда.

Ҳар йили август ойининг иккинчи ярмида асосан қасб қишлоқ эгалари - қўли гул курувчилар, маҳоратли меъмор ва муҳандисларнинг қасб байрамини нишонлаш анъанаси айланган. Фурсатдан фойдаланиб, нафақат вилоятимиз, балки бутун юртимиз бунёдкорларини, қадарли ҳамкасбларимизни бугунги қасб байрами билан табриқлаймиз. Янги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишда масъулиятли фаолиятингизда омад ҳамда ёр бўлсин!



Янги қиёфадаги Гиждувон

Бугун ҳудудлар қиёфасини тубдан янгилаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, улар учун керакли инфратузилмани яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 1 апрелда қабул қилинган "Республика ҳудудларини жадал комплекс ривожлантириш учун танлаб олинган туманларда амалий чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим қадамлардан бири бўлди. Қарорга асосан, Бухоро вилояти Гиждувон туманида 30 дан зиёд лойиҳа шакллантирилиб, бугунги кунда уларда курилиш ва бунёдкорлик ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Тумандаги "Чорсу" ва "Қўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинларининг туташ қисмида "Ёшлар сайлгоҳи"да "Ёшлар боғи" барпо этиш белгиланган эди, - деди Гиждувон туман ҳокимлиги мутахассиси Шухрат Аҳмедов. - Давлат раҳбарининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида 0,75 гектар майдонда давлат хусусий шериклик асосида янгидан боғ ташкил этилди. Бу боғ барча учун сеvimли масканга айланди ва туну кун гиждувонликларга хизмат қилади.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилаётган одамларни ўз ҳаётидан рози қилиш, эзгулик ва инсонпарварлик сиеъати Гиждувонда ўз аксини топмоқда ва у тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Хусусан, аҳолининг маданий ва маънавий тафаккурини бойитишга қаратилган яна бир йиррик лойиҳа қарор асосида тўлатўқис амалиётга татбиқ қилинади.

Бу сарой анча йиллардан бери Гиждувон халқининг орзиқиб кутган масканларидан бири эди. Бугун гиждувонликлар бу орзуга етди. Мана шунақа ажойиб, замонавий бинонинг туманимизда барпо этилгани келажакда Гиждувон санъатининг ривожланиши учун хизмат қила-



ди, - деди Гиждувон тумани маданият бўлими бадий раҳбари Нутфулло Аҳмедов. Қарор доирасида ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 70,0 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда. 6 та урбанизация ва ҳудудий инфратузилма лойиҳаларига 33,3 миллиард сўм маблағ ажратилади. Бунда солиқни сақлаш, туризм, ишлаб чиқариш, маҳаллалар кесимидаги ободликлар барчаси аҳолининг фаровон турмуш тарзи учун хизмат қилиши кўзда тутилган.

20 гектар ҳудудда "Махсус sanoat zonasini" ташкил этилапти, - деди Гиждувон туман ҳокимлиги мутахассиси Музаффар Тохиров ўАА мухбири Зариф Комиллова. - "Гиждувон тажри-

баси" асосида хориждан импорт қилиб келинган товар ва махсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш режалаштирилган. Ушбу қарор билан 2 ярим гектар ҳудудда "Ёшлар sanoat zonasini" ташкил этилади. Мазкур sanoat zonasini ҳудудида лойиҳаларни жойлаштириш эвазига 2 ярим мингдан ортиқ иш ўрни ҳам яратилади.

Туманда туризм бўйича 3 та лойиҳани амалга ошириш учун 21 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилади. Тарихий масканларни обodonлаштириш, ушбу ҳудудларда сайёҳлар учун қулай инфратузилмани шакллантириш борасида ҳам қатта ташаббуслар амалиётга татбиқ қилинмоқда.



Зулфизар МАВЛОНОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бухоро номи тилга олинганда гавҳарлар каби ёруғ бинолар, муҳташам қадимий обидалар, тарихнинг самимий нафаси яқинлашгандек сезилади.

Шу заминда меҳнати, истеъдоди ва эҳтироси билан тарихга муҳр қўйиб келаётган инсонлардан бири Зоиршоҳ Қиличев архитектор сифатида юртимиздаги бир қанча биноларнинг муаллифи бўлган. У ўз касби ҳақида шундай деди:

– Архитектура – бу аждодлар мероси. У йиллар давомида янгилашиб, яшариб, ўзгариб бораверади. Бухоро эса архитектуранинг юраги, меъморчилик санъатининг бешиги, шу учун мен бу касбни яхши кўрганман. Менинг чизмаларим асосида бўй чўзган иморатларни кўрганимда, ўзим севган касб ортдан юртимизга беминнат хизмат қилиб келаётганидан қувонаман.

Узоқ йиллар архитектура соҳасида самарали меҳнат қилаётган Зоиршоҳ Қиличевнинг ҳаёти – ўзи севган касбга садоқат намунаси ҳамдир. У соҳа бўйича назарий таълимни 1974-1979 йилларда Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтида олган. У кишини муваффақиятли яқунлаб, ҳарбий хизматдан сўнг, 1981 йилда Бухорода меъмор-реставратор сифатида фаолиятини бошлаган. Илк меҳнат йўли – Бухоро ШНПМда, кейинчалик вилоят архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси, вилоят музейидаги бош меъморлик лавозимлари билан бойиди. Бухоро бадиий ишлаб чиқариш устанонасида, "Маскан" ва "ARC" меъморчилик фирмаларининг бош меъмори сифатида фаолият юритиб, кўплаб бино ва иншоотлар лойиҳаларининг яратилишига хисса қўшган.

Малакали архитекторнинг чизмалари асосида нафақат Бухоро ва Самарқанд, балки бошқа шаҳарларда ҳам кўплаб қурилишлар амалга оширилган. Унинг ижодида Бухоронинг Эски

Бухоро обидалари тарихини тиклаган АРХИТЕКТОР

ёрдам беради. Унинг фикрича, ҳар бир ёш архитектор, аввало, ўз юртининг бой маданий мероси, меъморий тарихини, айниқса, халқ анъаналарини яхши билиши лозим. Зеро, архитектура – бу фақатгина фан эмас, балки санъат, қалб ва юрак иши ҳамдир. Зоиршоҳ Қиличев ҳам қалбдаги сўзлари билан ўз фаолиятига таъриф беради:

– Хатоларсиз муваффақият бўлмайди. Буни яширмайман, чунки камчиликсиз натижага эришиш имконсиз. Шунинг ортдан ўз ишимнинг пухтаси ва малакали мутахассисга айландим. Бу жараён менга қурилиш материалларини танлашда, иқлим шароитини ҳисобга олишда ва ҳар бир деталга эътибор қаратиш бўйича тажрибамни оширди. Бугунги кунда архитекторларнинг иши компьютер ва турли замонавий дастурлар ёрдамида анча осонлашди. Шундай бўлсада, қўл меҳнатини кўпроқ қўллайман. Қўлимга қалам олиб, оппоқ қоғозга чизишни бошлашим билан илҳомим ва иштиёқим янада ортаверади. Ижодкор архитектор завқини ўшанда ҳис қиламан. Шогирдларим эса чизмаларимни электрон дастурларда давом эттиришади.

Турмуш ўртоғи Зебихон Шарипова ҳам "ARC" меъморчилик фирма ди-

ректори-архитектори сифати фаолият юритади. Устозлари, машҳур меъморлар – Насим Шарипов ва Махмуд Ахмедов, реставраторлар Аминжон Саломов ва Исмаил Муҳинов бўлган. Уларнинг таъсири Зоиршоҳ Қиличевнинг меъморликка бўлган муносабатига ҳам ўз аксини топди. Ҳар бир бинонинг ҳам мустаҳкамлигида, ҳам гўзаллигида жонли иштирокчиси бўлди. Узоқ йиллик меҳнатлари инobatга олиниб, кўплаб ютуқларга эришган. Масалан, Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси Бошқаруvinинг I, II ва III даражали дипломи билан тақдирланган. Россия архитекторлар уюшмаси дипломи, Франциянинг санъат ва адабиёт орденни нишондори номига сазовор бўлган. Жорий йилда эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) миқёсида ташкил этилган "Юксак эҳтиром" халқаро кўрак нишони билан мукофотланди.

Умрини меъморликка бағишлаган, шогирдлар тарбиялаган, тарих ва замонавийликни уйғунлаштирган Зоиршоҳ Қиличев ҳаётининг ҳар бир сониясини халққа хизмат қилиш билан яшаб келяпти. Унинг ортдан бунёд этилган иншоотлар, камол топган шогирдлар ва асраб қолинган мерос бу йўлнинг шонли гувоҳларидир.



Қурилишдан бахт топган инсон

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Самарқандлик тадбиркор Улуғбек Маджидов учун айнан бир соҳани танлагунча бир неча касбларда ишлаб кўрди. Лекин улардан ҳеч бири маъқул келмади. Қурилишга келганда эса ўйланадиган қолди. Қарадики, меҳнатнинг самараси кишини мамнун қилади. Қолаверса, кўз ўнгида бунёдкорлик натижаларининг рўёбга чиқиши, меҳнатнинг маъсули ўзини кўрсатиб туриши, муҳими, одамларга ёрдамнинг тегаётганлигини сезиб яшаш бошқача бўларкан. Шу боис, у кўп "синов"лардан сўнг қурилиш соҳасини танлашга аҳд қилди.



Аввалига маъсулият чекланган жамият шаклида корхона очди. Унга "Rivera invest xxx", деб ном берди. Кейин иккинчи корхонаси "Ulug' house"ни ташкил этиб, қурилиш-бунёдкорлик билан жиддий шугуллана бошлади. Шунга яраша ишлари ҳам юришиб кетди.

– 2021 йил эди, – дея эслайди Улуғбекжон. – Намунали уй-жойлар билан бир қаторда яқма тартибдаги хонадонлар қуришга киришдим. Дастлаб, эътиборимни ҳам таъминланган оилаларга қаратдим. Халқимизда "Сен бирни берсанг, худо сенга мингини беради", деган ҳикмат бор. Менинг фаолиятимда ҳам шундай бўлди. Уйлаб кўрсам, бахтим шу соҳада экан. 1998 йилда Қавчинондаги 22-мактабни битирганимдан буён майда тадбиркорлик билан шугулланиб бежизга вақт ўтказиб юрган эканман. "Rivera invest xxx" ва "Ulug' house" МЧЖларини ташкил этганимдан сўнг, рўзгоримга кўт-баракка кирди. Одамлар ўртасида обрў-эътиборим ошди.

Кечаги кичик ишбилармон қисқа вақтда таниқли тадбиркорга айланди. У Самарқанд

шаҳрида кўп қаватли уй-жойлар қуришга ўтди. Шу орада билим ва малакасини ошириш мақсадида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетига сиртдан ўқишга кирди. Ҳозир у ўзи иш бошлаган массивда 1300 квартирдан иборат 20 дан зиёд кўп қаватли уй-жойларни барпо этиш билан банд. Шаҳардаги собиқ нефть базаси ўрнида 6,5 гектарлик майдонда мактаб, клиника, мактабгача таълим ташкилоти ва бошқа маданий-маиший объектларни тиклашда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда.

Улуғбек Маджидов тадбиркорлигини йўлга қўйиши натижасида 100 га яқин янги иш ўрни яратди. Жамоадгиларнинг 65 нафари қўлида хунари бор ишчилар, 15 нафари эса муҳандис-техник ходимлар. Сайёд Абдурахмонов, Комил Исоқулов, Умид Холиқов, Фарҳод Ибрагимовлар сингари бунёдкорлар унинг яқин кўмакчиларига айланган.

Биз ҳам фурсатдан фойдаланиб, жамоа ақлини касб байрами билан табриқлаб, ишларига омад, ўзларига соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ҳаётда кимдир ерни севиб боғбон бўлишни ёки фермерлик билан шугулланишни, кимдир кўшиқчи, санъаткор, шифокор, ўқитувчи бўлишни, яна кимдир эса қурувчи, архитектор, дизайнер бўлишни орзу қилади. Лекин қайси касбни танламайлик, вақти келиб, катта иштиёқ, туғма қобилият ва уни ривожлантириш учун улкан меҳнат, билим талаб этилиши аниқ.

Асли мўйноқлик Азат Нажиматдинов ҳам ёшлигидан расм чизишга қизиқиб улгайди. Орол денгизини қуриган ултонидида табиат манзараларини, хайвонот дунёсидаги ноёб ўзгаришларни, тақрорланмас пейзажларини кузатар экан, уларни жонлантириш учун нафақат қобилият, балки чуқур билим, санъат оламининг иқир-чикирларигача ўрганиш ва тинимсиз меҳнат зарурлигини тушуниб, шу йўлдан боришга қатъий қарор қилди.

Меҳнат фаолиятини Мўйноқ тумани маданият бўлимида расом-безакчи сифатида бошлаган Азат ўзидagi қобилиятни ривожлантириш мақсадида 1987 йилда

Касбим – фахрим



Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтининг архитектора йўналишида таълим олди. 40 йиллик фаолияти давомида малакали архитектор республикамиз бунёдкорлиги ривожига катта хисса қўшиб улгурди. У яратган лойиҳалар асосида 50 га яқин йирик ва марказий иморатлар қад ростлаган. Жумладан, И. Юсупов номидаги ижод мактаби, Республика онкология диспансерининг 175

койкага мўлжалланган биноси, кураш спорт комплекси иншооти, Бердақ кинотеатри таркибида концерт зали, Республика кўп тармоқли тиббиёт маркази биноси ҳамда Қорақалпоғистоннинг деярли барча туманларидаги маданият марказлари, кўплаб ижтимоий объектларнинг тез ва сифатли қуриб, битказилишида унинг ҳам хиссаси катта.

А. Нажиматдинов меҳнат фаолияти давомида қурилиш соҳасининг барча йўналишларида ишлаган. "Архторус" МЧЖ ижодий устанонаси бош архитектори, "ҚҚРсельпроект" лойиҳалаш институти бош архитектори, бош инженери, "Qishloqquriishloyiha"нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори, "Универсалпроект" лойиҳалаш институти директори вазифаларида ишлаб, республика миқёсидаги йирик лойиҳаларнинг яратилишида фаол қатнашган. Бугунги кунда "Arx Maximum Projekt" лойиҳалаш ташкилоти директори лавозимини фаолият юритиб келмоқда.

– Сиз яратган лойиҳалар асосида тап-тақир ерда барча қулайликларга эга замонавий иморатлар, турар жой, ижтимоий объектлар барпо этилса, уларда меҳнат қилаётган ёки яшаётган инсонларнинг мамнун ҳеҳраларига кўзингиз тушса, ўзининг чексиз бахтиёр хис эта-сиз, шу касбни эгаллаганингизга шукрона айтасиз, – дейди қахрамонимиз. – Билим ва қобилиятим халқ манфаати йўлида аскаётгани мени янада илҳомлантиради. Келгусида максалларим катта. Ўзим туғилиб ўсган туманда, Орол бўйида, Мўйноқ туманида тақрорланмас дизайнга эга замонавий архитектура талаблари асосида кўпчиликнинг эътиборини тортаядиган йирик туристик иншоотлар қуриш ниятим бор.

"Ниятинг йўлдошинг", дейди доно халқимиз. Ҳар доим изла-нишда, янги гоълар оғушида юра-диган қахрамонимиз ўз орзуларига етишига шубҳа йўқ. Бу эса, янада гўзал иморатларнинг бунёд этили-шига замин яратиши аниқ.

38 йиллик ҳалол меҳнат ва садоқат намунаси

Арофат ЭРМАТОВА,
"O'zog'irsanoatloyiha" институти АЖ бошқарув бўлими SMM менеждери.

Юртимиз бунёдкорлик соҳаси ривожига малакали кадрларнинг аҳамияти катта. Айнан уларнинг билим ва малакаси, тажриба ва меҳнатлари туғайли юртимизда бир-биридан ажойиб бино-иншоотлар барпо этилмоқда. Янги ва шинам уй-жойларда халқимиз бахту саодатга тўлиб яшамоқда, замонавий таълим масканларида билим ва тарбия олмақда.



Ушбу эзгу ишларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этиб келаётган қурилиш соҳаси вакиллари билан бир – "O'zog'irsanoatloyiha" институти АЖнинг умумий масалалар ва кадрлар тайёрлаш бўйича директори Утқур Кучкарбаевдир.

Илк иш фаолиятини 1987 йилда ушбу институтининг Архитектура-қурилиш бўлимида техник сифатида бошлаган Утқур Кучкарбаев 38 йиллик фаолияти давомида кўплаб муҳим лойиҳаларнинг яратилиш жараёнида фаол иштирок этган. Ўзининг меҳнат-севарлиги, соҳага бўлган қизиқиши, шунингдек, йиллар давомида орттирган бой тажрибаси билан лойиҳа бош муҳандиси лавозимида ишлаб, муҳим лойиҳаларнинг яратилишига бошқош бўлган.

Утқур Кучкарбаевнинг профессионал фаолияти – бу чуқур билим, маъсулият ёндашув, ҳалоллик ва ташаббускорлик билан йўлланган йўлдир. У киши юртимизда амалга оширилган кўплаб йирик ва стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларда раҳбар муҳандис сифатида қатнашиб,

уларнинг муваффақиятли амалга оширилишига ўз хиссасини қўшган. Фақат муҳандислик йўналишида эмас, балки жамиятда маънавий-маърифий муҳитни мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш, ёш мутахассисларни кўплаб-қувватлаш ва уларни тарбиялаш борасида ҳам фаол иш олиб бормоқда. У кишининг билим ва тажрибаси бугунги кунда ёш мутахассислар учун ҳақиқий мактаб ва ибрат манбаидир. Унинг шогирдлари ҳам бугунги кунда юртимиз қурилиш-бунёдкорлик соҳасида фаолият юритиб, устозидан ўрганганларини соҳага татбиқ этиб келмоқда.

Утқур Кучкарбаевнинг соҳада олиб борган хизматлари эътироф этилиб, "Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги" эсдалик нишони билан тақдирланган. "O'zog'irsanoatloyiha" институти АЖда ўз соҳасининг билимдони, фидойи ва жонқуяр устози сифатида барчанинг ҳурматини қозонган фахрий устозни бугунги касб байрами билан табриқлаб, келгуси ишларига зафарлар тилаймиз.

ҚУРУВЧИЛАР МЕҲНАТИ БИЛАН ҚАЙТА ЧИРОЙ ОЧГАН БИНО

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Тошкент шаҳри негизда Янгиҳаёт тумани ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмади. Бўш турган жойлар ҳамда муддатини ўтаб, реновацияга тушган эски уйлар ўрнига бунёдкорлар саъй-ҳаракатлари туфайли кўп қаватли турар жойлар, ижтимоий ва маъмурий объектлар қуриб битказилаётгани ҳисобига туман пойтахтимиздаги обод ва кўркем худудлардан бирига айланиб бораётир.



Ҳозирда ҳар томонлама жиҳозланган уйларга минглаб оилалар кўчиб кириб, инсонларга хизмат қилишга мослаштирилган қўлайликлардан миннатдор. Жорий йилда ҳам давлат дастурлари доирасида маҳаллалар атрофидаги худудларда 9, 11 ва 16 қаватли бинолар ва бошқа иншоотларни қуриш ишлари давом этмоқда.

Айни пайтда Президентнинг тегишли қарорига мувофиқ, шундай жойлар босқичма-босқич мукамал таъмирлаш дастурига киритилгани дастуриламал вазирасида ўтамоқда. Янгиҳаётда ҳам бир неча эскирган биноларни йил охиригача реконструкциядан чиқариш ва қўшимчаларини қуриш юзасидан режа асосида ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, бошқа объектлар қаторида 2-сектор худудида жойлашган туман кўп тармоқли марказий поликлиникани мукамал таъмирлаш ишлари ҳам жадаллик билан қилинган. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" ДУКнинг буюртмасига биноан умумий қиймати 10 311,6 миллион сўмлик қурилиш ва бунёдкорлик ишлари юзасидан "Janub Suxon Universal" масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланган лойиҳа асосида пудратчи "Partner house city" масъулияти чекланган жамият жамоаси қурувчилар байрами кунига объектни фойдаланишга топшириш учун таъмирлаш ишларини сифатли бажариб, шифокорлар ҳамда беморларга қўлай шароитлар яратиб беришга аҳд қилган эди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур кўп тармоқли тиббиёт бirlashмаси 1986 йилда қурилган ва у 480 қатновга мослаштирилган. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонини 10 минг нафардан ошган бўлсада, ўтган

даврдан бирор марта ҳам тўлиқ таъмирланмаган, ҳатто, поликлиника тасарруфида 0,83 гектар ер майдони бўлишига қарамай, фаолиятини кенгайтириш мақсадида қўшимча бинолар қурилмаган. Таъмирлаш жараёнида ана шу муҳим масалага ҳам эътибор берилди. Пудрат ташкилоти томонидан амалга оширилган барча ишлар ҳокимлик ҳузурида ташкил қилинган ишчи гуруҳнинг назоратида олинган эди.

Туман ҳокими Ҳаёт Иноғомовнинг айтишича, жорий йил режасига кўра, маҳаллалар кесимида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган. Кўп қаватли уйлarning ўндан олтига қайта таъмирдан чиқарилган, бир қатор объектлар босқичма-босқич йил охиригача ишга туширилиши керак. Булардан ташқари, аҳолига хизмат кўрсатувчи, қурилиш ҳамда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар, бир неча маъмурий бинолар ва турар жойларни топшириш ҳам режадан ўрин олган. Улар ўз вақтида фойдаланишга топширилса, 500 га яқин оилалар янги уйларга кўчиб киришадди, 1000 нафардан зиёд йигит-қизлар эса доимий иш ўрнига эга бўладди.

Ахдида қатъий қурувчиларнинг саъй-ҳаракати натижасида кунинча замонавий тус олган кўп тармоқли марказий поликлиника янгиланган жиҳозлари ва бошқа қўлайликлари билан фойдаланишга топширилди. Эътиборлиси, энди айрим хасталикка чалинган беморлар ташхис қўйдириш учун бошқа жойга бориб юрмайди. Чунки шу жойнинг ўзида барча турдаги тиббиёт техникалари ишлаб турибди. Бундай қўлайликлар учун фуқаролар давлатимиз ва қурувчилардан миннатдор бўлишмоқда.



ИЛМУ ЗИЁГА БАХШИДА УМР

Бу бошланиш эди, аммо тез орада унинг истеъдоди, изланувчанлиги ва ишга ёндашуви туфайли илм-фан ва бошқарув соҳасида юксалиш дари бошланди. 1975-2005 йилларда "ЎзЛИТИ" АЖ (собиқ ТашЗНИИЕП)да оддий илмий ходимдан бош директор даражасига кўтарилди. Шу билан бирга, 1993-1994 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Фан б о ш қ а р м а с и бошлиғи сифатида давлат бошқарувида ҳам фаолият юритди.

ИЛМ-ФАН БИЛАН УЙҒУН АМАЛИЁТ

1981 йилда Москва шаҳрида номзодлик диссертациясини, 2001 йилда эса Тошкент архитектура-қурилиш университетидан докторлик иштини муваффақиятли ҳимоя қилган Саидьялом Ходжаев чет эл тажрибасини ўзлаштиришга ҳам катта аҳамият берди. 1996 йилда АКШ Миллий стандартлар институтидан, 2010 йилда эса Даниянинг "Gronthij/CarlBr" консалтинг компаниясида малака ошириб, қурилишдаги илғор ёндашувларни ўзлаштирган.

У бошчилик қилган "ЎзЛИТИ" АЖ мустақилликдан кейинги йилларда меъёрий ҳужжатлар тизимининг замонавий концепциясини яратиш, шунингдек, 70 дан ортиқ қурилиш меъёри ва қоидаларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнади. Улардан 5 таси бевосита унинг муаллифлигига тегишли. Ўттиз йилдан ортиқ фаолияти давомида Саидьялом Ходжаев турар жой ва жамоат биноларининг ишончилиги, хавфсизлиги ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва лойиҳалаш ишларига раҳбарлик қилди. "Динамо" ва "Жар" спорт мажмуалари, Тошкентнинг эски шаҳар қисмини кесиб ўтган янги кўчалар, академик лицейлар, умумтаълим мактаблари, болалар спорт иншоотлари ва бошқа муҳим лойиҳаларнинг таянч ҳужжатлари у раҳбарлигида тайёрланди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида зилзила хавфини камайтириш бўйича РА-ДИУС халқаро дастурини амалга ошириш, Қашқадарё вилоятидаги зилзила оқибатларини бартараф этиш каби долзарб вазифалар ҳам унинг бевосита назорати остида бажарилди.

Адхам ЭҒАМБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртимизда замонавий қурилиш соҳасининг шаклланиши, ривожланиши ва бугунги босқичга етиб келишида илм, тажриба ва фидокорликни бирлаштирилган шахслар талайгина. Улар орасида ўзининг салкам ярим асрлик илмий-амалий фаолияти билан халқимиз эътиборига сазовор бўлган, Тошкент архитектура ва қурилиш университети профессори, техника фанлари доктори Саидьялом Ходжаев алоҳида ўринга эга.

1950 йил 8 июлда қурувчилар оиласида туғилган Саидьялом Ходжаев болалигидан замонавий иншоотлар сир-асорига ошно бўлиб улғайди. 1973 йилда Тошкент политехника институтининг Саноат ва фуқаролик қурилиши факультетини тамомлағач, ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Зилзилабардош иншоотлар институти лабораториясида бошлади.

Янги хонадонлар эгаларига топширилмоқда


Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан жойларда қурилиш-бунёдкорлик ишлари қизгин давом этмоқда. Меҳнат жамоалари байрамга муносиб тўхта тайёрлаш мақсадида шижоат билан ишлаб, янги ютуқларни қўлга киритяптилар.

Жумладан, Самарқанддаги "Agromil Building" МЧЖ бинокорлари айни пайтда Қорасув массивида 1000 хонадонли уй-жойларни фойдаланишга топшириш учун астойдил тер тўкишаётган бўлса, "Samarqand prime development group" қўшма корхонаси темир йўл вокзали худудида 130 та квартирадан иборат муҳташам уй-жойларни ўз эгаларига тақдим этишга эришдилар.

– Биз Вокзал худудида катта режалар билан ташриф буюрганимиз, – деди корхона раҳбари Умид Маматқулов. – Булар иши-

мининг бошланиши, холос. Ҳали худудда маънан эскирган ховлилар ўрнида реновация дастури асосида қатор замонавий кўп қаватли уйлари тиклашга аҳд қилганимиз. Мухими, биз барпо этаётган хонадонларда сўнгги русумдаги энергия тежамкор материалларидан фойдаланилади. Қолаверса, уларда барча қўлайликлар яратилгани туфайли миҳозлар талабига тўлиқ мос тушадди, деб ўйлайман.

Ўз мухбиримиз.



Ҳиммати баланд тадбиркор

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Катта савобли амаллардан бири – мактаб қуриш экани ҳақида кўп гапирилади. Бундай ишларга бел боғлаб, амалда сўзининг устидан чиққанларга тасаннолар айтилади.

Тасаввур қилинг, ҳиммати баланд бир киши мактаб қурди, унда ўқувчилар ўқий бошлади. Янги билим даргоҳида бир йилда қанча бола таълим-тарбия олади, икки-уч ёки беш йилдачиди? Аниқки, йилдан-йилга ўқувчилар сонини оширилади. Бу эса ўша худудда болаларнинг билим олиш даражаси яхшиланаяпти, деганидир.

Мактаб таъмири билан шуғулланган тадбиркорга эса ёғиладиган олқиш ҳамда унинг оладиган савоби ҳам бундан кам эмас. Яхши томони, бундай ҳиммати баланд

тадбиркорлар кўпчиликини ташкил қилади.

Қўшработ туманидаги Чиноқ қишлоғида жойлашган 57-сонли умумий ўрта таълим мактаби 2006 йилда қурилган бўлиб, анча таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Бугун мазкур мактабда 26 нафар педагог 160 нафар ўқувчи таълим-тарбия бериб келмоқда. Қуввати 240 ўринли бўлган мазкур мактаб яқинда "SXF Big Building" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси раҳбари Зафар Тўраев ҳомийлигида капитал таъмирдан чиқарилди.

Шунингдек, тадбиркор томонидан мактабга 2 та синфхона, спорт зали, мини стадион ва бир қанча қўшимча хоналар қуриб берилди. Мактаб ховлиси таъмирланиб, атрофи ўралди, кириш қисмига дарвоза ўрнатилди. Бундан ташқари, 128 та жамланма стол-стул, ўқитувчилар учун юмшоқ стул, кутубхонага 10 та жавон ва мебель жиҳозлари, компьютер кресло, спорт залига барча турдаги спорт жиҳозлари ва синфхоналарга 33 та шкаф келтирилди. Кимё, биология ва физика лаборатория хоналари ҳам замонавий жиҳозланди.

Қолаверса, тадбиркор томонидан туманда яна 10 та хизмат кўрсатиш объекти, битта кишлоқ врачлик пункти ҳам қуриб берилиб, 2,5 километр йўл асфальтланди.

Ангрен эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган йирик sanoat лойиҳалари туфайли қўшимча корхоналар барпо этилиб, тадбиркорлар фаолияти кенгаймоқда. Хусусан, Хитой Халқ Республикаси инвесторлари билан ҳамкорликда юзга яқин турли ишлаб чиқариш корхоналари фаолият бошлади. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорда харидоригир, балки жаҳон бозориди ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги мутасаддиларининг таъкидлашича, Ангренда охириги йиллари қўллаб турар жойлар ва замонавий ишлаб чиқариш объекти қуриб битказилди. Қурувчилар кунинча арафасида куч трансформаторларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги лойиҳа ишга туширилди.

Дастур доирасида амалга оширилаётган мазкур объект қурилиши икки йил аввал бошланган эди. Лойиҳа Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашуви ва механизмларини жорий этиш тўғрисида"ги қарорига асосан амалга оширилди. У "Худудий электр тармоқлари" АЖ ҳамда Хитойнинг "Holley Technology" Ltd компанияси ҳамкорлигида барпо этилди ва иқтисодий ривожига салмоқли ҳисса қўшиши кутилмоқда. Айни пайтда корхона-

да 50 нафар ишчи фаолият юритиб, яқин келажакда 200 нафаргача иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, замонавий энергиятежамкор технологияларга оид ушбу ташаббус доирасида вилоятнинг Юкори Чирчиқ туманида куч трансформаторлари учун ҳимоя қутиси ҳамда электр қурилмалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган яна бир корхона фаолият бошлаш арафасида. Бундан ташқари, Жиззах вилояти, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам шундай йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу корхоналар тўлиқ ишга тушгандан сўнг, соҳадаги асосий муаммолар бартараф этилади. Энг муҳими, бу лойиҳалар электр ускуналари импортини қисқартириш ва ички бозорда рақобатбардosh маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Ўз мухбиримиз.



ЗАРАФШАНСКОЕ УПРАВЛЕНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВА:

лет на службе развития страны



От водопровода в пустыне до флага индустриального прогресса – история, достижения и амбиции Зарафшанского управления строительства



8 августа 2025 года Зарафшанское управление строительства (ЗУС), входящее в состав АО "Навоийский горно-металлургический комбинат" (НГМК), отмечает знаменательную дату – 60-летие со дня основания. Это не просто юбилей, а важный повод оглянуться на пройденный путь, оценить масштаб сделанного и с уверенностью заглянуть в будущее. За шесть десятилетий ЗУС стал неотъемлемой частью индустриального ландшафта Узбекистана и примером созидательного труда, инженерной смелости и приверженности высоким стандартам.

СТАРТ В ПЕСКАХ: ОТ ИДЕИ К ИНФРАСТРУКТУРЕ

История ЗУС началась в 1965 году, когда страна взялась за освоение богатейших природных ресурсов пустыни Кызылкум, где были найдены месторождения золота и урана. Новый город Зарафшан, металлургические заводы, шахты – всё это нужно было не просто построить, а буквально вырастить на месте пустыни. Именно ЗУС принимал активное участие в реализации этого амбициозного плана.

Уже через несколько лет управление дало результат, который сегодня по праву считается инженерным подвигом. В 1969 году в сложнейших климатических условиях была построена уникальная водотехническая система – 208 километров водопровода с шестью насосными станциями. Впервые в истории пресная вода

дошла от Амударьи до Зарафшана, обеспечив жизнь и развитие нового промышленного центра.

В том же году был введён в эксплуатацию гидрометаллургический завод №2, и уже вскоре здесь был получен первый золотой слиток весом 2 килограмма 800 граммов.

ТЕХНОЛОГИИ И ПРОФЕССИОНАЛИЗМ – ОСНОВА УСПЕХА

Сегодня ЗУС – это современная строительная организация, оснащённая высокотехнологичной техникой, передовыми методами и, главное, профессиональными кадрами. Управление активно участвует в реализации стратегически важных проектов НГМК: от возведения новых гидрометаллургических заводов до расширения инфраструктуры действующих месторождений.

На предприятии выпускаются металлоконструкции, изделия из железобетона и деревообработки, профильные полуфабрикаты. За последние годы налажено производство дверей и профилей из алюминия и МДФ, краски, жженого кирпича, привезено более 160 транспортных средств и техники различных моделей.

Объёмы выполняемых работ впечатляют. В 2023 году ЗУС реализовало проектов на сумму более 920,5 млрд сумов, в 2024 году – 1,16 трлн

сумов, а к концу 2025 года ожидается выполнение строительно-монтажных работ на сумму 1,38 трлн сумов. Согласно инвестиционной программе НГМК на 2024-2030 годы, ЗУС предстоит реализовать проекты на сумму свыше 870,2 млн долларов США.

ОТ РУДНИКОВ ДО ШКОЛ И САНАТОРИЕВ

За последние восемь лет ЗУС стало ключевым исполнителем в рамках государственной программы развития цветной металлургии. Только в рамках этой инициативы реализовано 27 крупных проектов общей стоимостью более 3 миллиардов долларов.

Среди них:

- строительство новых объектов на месторождениях Мурунтау, Даугызтау и Кокпата;;
- запуск цеха биоксидирования в Северном рудоуправлении;
- расширение хранилищ отходов на существующих гидрометаллургических заводах;
- сооружение вертикального шахтного ствола на месторождении Зармитан.

При этом ЗУС не ограничивается только промышленными объектами. На счету управ-

ления – строительство шахматной академии в Тудакуле, специализированной школы-интерната в Тамдынском районе, санатория "Зомин", детских лагерей и других социально значимых объектов.

ИМПОРТОЗАМЕЩЕНИЕ И РАЦИОНАЛЬНОЕ СТРОИТЕЛЬСТВО

ЗУС активно поддерживает курс на локализацию и снижение строительных затрат. В 2025 году управление планирует произвести 26 видов продукции на сумму более 178 млрд сумов. Это не только снижает себестоимость объектов, но и позволяет оперативно снабжать стройплощадки всем необходимым без сбоев в логистике.

ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ – ОСНОВА ДОСТИЖЕНИЙ

В основе всех успехов – люди. В ЗУС трудятся почти 3 тысячи рабочих и сотрудников: от монтажников и сварщиков до проектировщиков, логистов и контролёров. Все они работают с полной отдачей, в самых разных климатических условиях, воплощая в жизнь самые сложные задачи.

Каждая строчка откликает в душе. Ведь для строителя каждый кирпич – это ответственность, каждая опора – это прочность будущего. Сегодня

ЗУС – это целая школа инженерной культуры, где передаются традиции, развиваются компетенции и формируются команды, способные решать задачи любого масштаба.

ВЕКТОР НА БУДУЩЕЕ – ДВИЖЕНИЕ ВПЕРЕД

Руководство НГМК, возглавляемое генеральным директором Кувандиком Санакуловым, чётко обозначает курс на развитие всех промышленных площадок. За последние 17 лет в строй введены четыре новых гидрометаллургических завода, что стало беспрецедентным шагом в истории комбината.

Современная строительная политика НГМК основывается на инновационном подходе, ответственности международным стандартам и системном контроле качества. ЗУС в этом процессе – один из главных исполнителей и надёжный партнёр.

За 60 лет Зарафшанское управление строительства прошло путь от первого водопровода в пустыне до одного из лидеров в сфере промышленного строительства. Оно не только создаёт заводы и предприятия, но и строит будущее – надёжное, технологичное, отвечающее вызовам времени.

ЗУС остаётся образцом созидательной силы, объединяющей историю, мастерство и устремлённость вперёд. В этом – залог его дальнейших успехов и новых достижений.

Бунёдкор боболарнинг муносиб давомчиси

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Булунғурни Самарқанддагина эмас, мамлакатимизнинг кўпгина худудларида, ҳаттоки, қўшни давлатларда ҳам яхши билишади. Шу пайтгача бу туман сабзавоту полиз маҳсулотлари, географик жойлашуви билан танилган бўлса, эндиликда қурилиш-бунёдкорлик борасида амалга ошириладиган ишлар билан ҳам тилга тушди. Айниқса, Тошкентдан Термизгача ёки Нукусгача давом этган, ҳатто Марказий Осиё бўйлаб ўтадиган қатта трассанинг туман худудидаги қисмида тикланаётган кўп қаватли уй-жойлар, маданий, маиший, савдо ва бошқа соҳаларда хизматларнинг йўлга қўйилаётгани Булунғурнинг салоҳиятини янада оширяпти.

Айниқса, йўл бўйида барпо этиладиган "Янги Ўзбекистон" массиви бинолари эса Булунғур ва унинг атрофидаги худудларга ўзгача фазл бағишлаб, қанчадан-қанча одамларнинг мушуклини осон қилмоқда. Бири-биридан хашаматли уйларга қўчиб қираётганлар

яқинларини уй тўйларига таклиф қилган. Улар шунчалик кенг имкониятларни яратиб бераётган мамлакатимиз Президентидан миннатдор бўлиб, қурилиш-бунёдкорлик ишларини тез ва сифатли амалга ошираётган бинокорларга ташаккур билдиришяпти.



Айтиш керакки, Самарқанд азалдан мохир меъморлар Ватани бўлган. Улар томонидан барпо этилган муҳташам бинолар асрлардан асрларга ўтиб келган. Бундай маҳоратли усталар Булунғурда ҳам кўп, улар айни пайтда ҳам элга, юртига сидқидилдан хизмат қилмоқда. Шундай ташкилотлардан бири



"Bulung'ur tower" МЧЖ ҳисобланади. Жамият ишчи-хизматчилари "Янги Ўзбекистон" массиви қурилишида фаоллик кўрсатаётгани эътиборга лойиқ.

Самарқандда "Bulung'ur tower" дейилса, мазкур ташкилот директори Мирзошоҳрух Низомеддинов, иш юритувчиси Элдор Худойкулов, таъ-

сисчиси Шоҳрух Муслимовларнинг меҳнати, ташкилотчилиги, ташаббускорлиги эсланиб, амалга ошириладиган ишлари ҳақида сўз юритилади. Мазкур ташкилотга тегишли "Шоҳрухон сервис" хусусий корхонаси ҳам бор. Қолаверса, бунёдкорлик соҳасидаги ишларни тизимли равишда олиб бораётган "Bulung'ur tower" чилар "Меъмор-Мархабо" хусусий корхонаси фаолиятини ҳам йўлга қўйишган. Уни ёш бунёдкорнинг бобоси – Муслимов Фозил 1995 йилда ташкил қилган. Отаси Раҳман Фозил сулолага айланаётган қурувчилар устози ҳисобланади.

Ушбу сулоланинг яна бир вакили – Қобилжон Нарзиёв 1961 йилда туғилган. Унинг буваси ҳам асли қурувчи бўлган. Ўзоқ йиллар Хўжалиқлараро қурилиш трести тизимида ишлаб, кейинчалик хусусий темир-бетон заводини ташкил қилган. Раҳман Фозил 1982 йилда СамДАКИни тугатиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида фао-

лият юритган. Шу тариқа "Шоҳрухон сервис" корхонасини ташкил қилиб, инвестиция дастури бўйича қатор объектларни қуришга қатнашди. Айни пайтда корхона томонидан "Янги Ўзбекистон" массивида 11 та кўп қаватли уй-жой қурилмоқда. Уларда хизмат қилаётган қурувчилар сони 100 нафардан ортиқ бўлиб, қурилиш ишлари учун энг муҳим бўлган техникаларга эга. Қолаверса, бетон-плита заводи, ақфа цехи ҳам бор. Яқинда 3 та 5 қаватли 22 квартирали уйлар фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда "Шоҳрухон сервис"ни Раҳман Фозил бошқаради. "Bulung'ur tower"га эса Шоҳрух етакчилик қилган. Шоҳрух 2020 йилда СамДАКУнинг Бино ва иншоотлар қурилиши факультетини тамомлаган. У етасизлари бўлмиш боболари – Муслимов ака ва Қобилжон ака билан доимо faxрланади.

Зеро, бунёдкор боболар ишнини эндиликда набиралар шараф билан давом эттирмоқда.

“Nukus City” МЧЖ қурилиш соҳасида ибрат намунаси

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг асосий таянчи – бу, албатта, қурилиш ва бунёдкорлик соҳасидаги улкан ўзгаришлардир. Бу жараёнда фидойи тадбиркорлар, маҳорати ва масъулияти билан замонавий турар жойлар, ижтимоий ва маъмурий биноларни барпо этаётган қурилиш ташкилотлари алоҳида ўрин тутади.

Шундай корхоналардан бири – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида Қуатбай Ҳилолов раҳбарлигида ташкил этилган “Nukus City” масъулияти чекланган жамиятидир. Президентимизнинг 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3895-сонли қарори ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2019 йил 28 февралдаги 78-сонли қарорига мувофиқ фаолият юритаётган ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси – Оролбўйи ҳудудларида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий ва инфраструктура объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда уларни мукамал таъмирлашдир.

Жамият жамоаси бу йўналишда юксак масъулият ва талабчанлик билан иш олиб боради. Объект қурилиши бошланишидан олдин унинг жойлашуви, ер шўрланиши, зилзилабардошлиги ва бошқа муҳандислик-геологик хусусиятлари ўрганилади.




– Давлатимиз раҳбарининг эътибори билан Оролбўйи ҳудудларида ободонлаштириш, ижтимоий соҳаларни яхшилаш бўйича кўплаб ишлар амалга ошириляпти. Бу жараёнда “Nukus City”нинг тутган ўрни катта, – деди Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорғи Кенгеси қурилиш соҳаси бўйича кўмитаси раиси Исламбек Сдиқов. – Корхона сўнгги йилларда Нукус шаҳри, Беруний, Тўртқўл, Амударё, Тахиятош ва бошқа туманларда кўплаб қурилиш ва реконструкция ишларини юқори савияда бажариб келмоқда. Жорий йилнинг ўзида Нукус шаҳрида 6 та йирик объект фойдаланишга топширилиб, 4 та мактаб, 2 та кўп тармоқли шифохона ва 3 та мактабгача таълим муассасаси таъмирланди.

Жамият қисқа вақт ичида Оролбўйи ҳудудларида аксарият туманларда кўплаб бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Нукус шаҳрининг “Жеке терек”, “Тоне қала”, “Кумбиз овул” МФИлари ҳамда “Сарбиноз” массивида 21 та кўп қаватли уйдан иборат, жами 1108 хонадонли турар жой қурилиши ушбу ташкилот жамоасининг фидойи меҳнатлари натижасидир. “Ғарезлик” МФИда дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технология паркнинг Қорақалпоғистон филиали учун мўлжалланган 16 қа-



ватли иншоот қурилиши амалга оширилди. Булар минтақадаги энг йирик объектлардан ҳисобланади.

Жамият раҳбари Қуатбай Ҳилолов – қурилиш соҳасида катта тажрибага эга мутахассис. Унинг бу даражага етишида ота-онаси берган тарбия, меҳнат-севарлик ва фидойилик асосий омил бўлди. Тошкент архитектура-қурилиш институтининг қурилиш муҳандиси йўналишини тамомлаб, прораб, бош муҳандис, фирма раҳбари лавозимларида фаолият кўрсатди. Унинг “Ўзшаҳар



қурилиш инвест” МЧЖдаги бўлим бошлиғи сифатида орттирган тажрибаси “Nukus City”ни тузиш ва унга раҳбарлик қилишда асқатди.

Таъкидлаш керакки, жамият раҳбари тайёр лойиҳалар билан қиёланмай, янги ва инновацион ғоялар таклиф этади. Унинг ташаббуси билан Хитой Халқ Республикаси инвесторлари билан Нукус, Амударё ва Ҳўжайли туманларида кўп қаватли турар жойлар қуриш бўйича истиқболли шартномалар имзоланди. Япония, Россия, АҚШ каби давлатлар-



дан замонавий қурилиш техника ва технологияларини жалб этиш бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда.


Ижтимоий масъулият – жамият фаолиятидаги устувор йўналишлардан. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 8 та оила оталиққа олинди, 11 та оиланинг уйлари таъмирланди. 14 нафар ишсиз ёш касб-хунар ўқув марказларида ўқитилиб, тажрибали устозларга бириктирилди. Ҳозирда жамиятда 170 нафар ходим меҳнат қилмоқда, шулардан 56 нафари Хитойдан

жалб қилинган мутахассислардир. Улар учун барча шароитлар яратилган.

Касбий маҳорат, масъулият ва инсонпарварлик ўзаро уйғунлашган жамиятда барқарор тараққиёт таъминланади. “Nukus City” МЧЖ жамоаси ана шу кадрларга таянади. Улар Қурувчилар кунини фидойи меҳнатлари ва янги бунёдкорлик зафарлари билан қарши олмақда. Ташкилот бутунги кунда нафақат Қорақалпоғистон, балки юртимизда қурилиш соҳасида намунали тажриба мактабига айланмоқда.

“Nukus City” МЧЖ жамоаси

юртимизнинг мафтункор қиёфага киришига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган барча бунёдкорларни касб байрами билан табриклаб, ҳудудлар ободлиги йўлида олиб бораётган масъулиятли фаолиятида улкан муваффақият тилайди.





QISHLOQQURILISHLOYIHA

ҚУРИЛИШ СОҶАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан юртимизда фаолият олиб бораётган барча бунёдкорларни – фидойи қурувчилар, малакали меъморлар, муҳандису архитекторларни табриклаймиз!

Ватан тараққиёти, юрт кўрки ва халқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда омад ҳамisha ёр бўлсин.






QURILISHDA MUHANDISLIK QIDIRUVLARI,
GEOAXBOROT VA SHAHARSOZLIK KADASTRI
LOYIHA ILMIY-TEKSHIRISH INSTITUTI



Янги Ўзбекистонимизнинг янгиланишига ҳисса қўшаётган фидойи бунёдкорлар, маҳоратли лойиҳачилар, муҳандис-меъморларга

КАСБ БАЙРАМИ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Ижодий баркамоллик, оилавий бахт,
тинчлик-тотувлик ҳамisha ҳамроҳингиз бўлсин.



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида
хўдудий назорат қилиш инспекцияси

Юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги
йўлида тер тўкиб меҳнат қилаётган
қурилиш соҳаси вакиллари бугунги

КАСБ БАЙРАМИ

билан табриклаймиз.

Халқимизга бахт ва қувонч улашишдек эзгу амалларни
бажаришингизда омад ёр бўлсин!





“ТАШГИПРОГОР” АЖ

Юртимиз қурилиш соҳасининг забардаст вакиллари ва келажак бунёдкорларига бугунги

**БАЙРАМ ҚУТЛУҒ
БЎЛСИН.**

Шарафли фаолиятингизга муваффақият,
оилангизга тинчлик-омонлик,
файзу барака тилаймиз.

БУХОРО ВИЛОЯТИ
Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги соҳасида
ҳудудий назорат қилиш инспекцияси

Азиз Ватанимизнинг қадрли
бунёдкорлари –
**КАСБ БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН!**


Сизларнинг шарафли
меҳнатингиз туфайли жонажон
Ватанимиз гуллаб-яшнамоқда.
Бу йўлда сизларга сўнмас ғайрат ва
шижоат тилаймиз.



ТОШКЕНТ ШАҲАР
Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги соҳасида
ҳудудий назорат қилиш инспекцияси

Азиз юртимизнинг қадрли қурувчиларини
КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ.

Шарафли ва масъулиятли касбингизда омад ҳамиша ёр бўлсин!



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги соҳасида
ҳудудий назорат қилиш инспекцияси



Жонажон юртимизнинг қули гул қурувчилари ва маҳоратли
меъморларига бугунги касб байрами муборак бўлсин!

Заҳматли касбингиз ортидан доимо ҳурмат ва
эътибор қозониш ҳар бирингизга насиб этсин.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси

Янги Ўзбекистонимиз яратувчиларини

Қурилиш соҳаси ходимлари кун

билан табриқлаймиз.

Касбингиздан барака ва хонадонларингиздан тинчлик-тотувлик аримасин.



**БАЙРАМ
МУБОРАК**

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси

Дунё аҳлини лол қолдираётган гўзал иншоотлар ижодкорларига

**КАСБ БАЙРАМИ
ҚУТЛУҒ БЎЛСИН.**

Шижоату ғайратингизга асло кўз тегмасин, қадрли соҳа вакиллари.



“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ

Жонажон Ўзбекистонимизнинг
янги қиёфасини барпо этиш,
юртимизнинг юксак тараққиётини
таъминлаш, ҳаётимизни янада
обод ва фаровон этишда жонбозлик
кўрсатиб келаётган моҳир қурувчи
ва муҳандислар, ўста ва меъморлар,
лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар
вакиллариغا

КАСБ БАЙРАМИ

муборак бўлсин!



Шарафли касб

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Баъзилар бир касб бутун умр ҳамроҳингга айланади. Йиллар, воқеалар, одамлар ўтади – аммо инсон ҳаётини йўналтирган, унга маъно берган асосий йўл ўзгармайди. Қурилиш ҳам шундай соҳалардан ҳисобланади. Бу йўлни ҳар ким ҳам матонат билан босиб ўтолмайди. Баҳодир Мамадалиев эса бу йўлда бошидан охиригача ҳалол меҳнати, бардоши ва масъулияти билан барчага ўрнак бўла олган инсонлардан.

Баҳодир Мамадалиев Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида туғилган. У болалигидан қиллоқда меҳнатга ҳамнафас бўлиб, ҳалоллик ва қатъият билан улғайди. Ҳаётда фақат меҳнат орқалигина иззат топишини эрта англаган Баҳодир Мамадалиев Тошкент давлат техника университети-нинг Саноат ва фуқаро қурилиши факультетига тахсил олди. 1987 йилда муҳандис дипломини олиб, касбий фаолиятини бошлади ва ўшандан бери қурилиш соҳасида меҳнат қилиб келмоқда. У фаолияти давомида оддий мутахассисликдан масъул лавозимларгача босқичма-босқич етиб борди. Баҳодир Мамадалиев ўзининг билим ва тажрибасини ҳар бир лойиҳада амалда кўрсатди, замонавий қурилиш технологияларини пухта ўзлаштирган, қатъиятли ва масъулиятли мутахассис сифатида обрў қозонди. Унинг иштирокида барпо этилган иншоотлар нафақат мустақамлиги, балки функционаллиги ва замонавий архитектуравий ечимлари билан ҳам ажралиб туради.

Меҳнат фаолиятининг дастлабки 14 йили Жарқўрғон туманидаги "Колхозстрой" тизимида ўтди. Бу йиллар нафақат касбий шаклланиш, балки ҳаётий тобланиш йиллари бўлди. Режалар ва қурилишлар, лой ва бетон, қуёш остидаги соатлаб давом этадиган текширишлар, қурилиш майдонининг машаққатли шароитлари – буларнинг барчасини орқага чекинмасдан босиб ўтди. Айнан шу даврда қаҳрамонимиз ўз меҳнати, масъулияти ва бошқарув қобилияти билан кўпчилиги эътиборини қозонди.

Кейинчалик у "Агрострой" тизимида ҳам ишлади. Бу ташкилотда қисқа вақт ичида зарур тажриба орттирди,

янги лойиҳаларда иштирок этди, турли турдаги объектлар билан ишлаш кўникмасини янада бойитди. Бироқ унинг асосий босқичи – 278-ПМКда бўлди. Бу ерда у раҳбарлик лавозимига гача кўтарилди. Энди у нафақат муҳандис, балки жамоани бошқарадиган, лойиҳа масъулиятини тўлиқ зиммасига оладиган етук мутахассисга айланган. Ҳар бир иншоот, ҳар бир объект – бу ишончли оқлаш учун имконият эди. У эса биронтасини зое қилмади.

Бугун эса Баҳодир Мамадалиев хусусий секторда фаолият юритмоқда. Давр ўзгариши билан қурилиш технологиялари ҳам, ёндашувлар ҳам ўзгарди. Лекин унинг принципларига бу замонавийлик таъсир қила олмади. Ҳалоллик, аниқлик, сифат – бу ханузгача унинг иш фалсафасининг марказида туради. Баҳодир ака иштирок этган ҳар бир лойиҳа замон талаблари билан уйғун, лекин ўзининг пухта меҳнат услубини ҳам йўқотмаган.

Авваллари қурилиш ишлари кўпроқ жисмоний меҳнатга, маҳаллий материаллар ва оддий ускуналарга таянарди. Лойиҳалаш жараёнида чизмачилик асослари, қўлда бажарилган ҳисоб-китоблар ва тажриба асосий роль ўйнади. Қурилишнинг асосий мақсади бино ва иншоотни оддий, функционал ҳолатда барпо этиш бўлиб, эстетик талабларга эътибор нисбатан кам эди. Кўп ҳолларда бинолар бир хил андозада қурилар, уларнинг энергия-тежамкорлиги, зилзилабардошлиги ёки экологик хавфсизлиги етарлича инобатга олинмасди.

Бугунги замонавий қурилиш эса рақамли технологиялар, муҳандислик инновациялари ва экологик ёндашувлар билан чамбарчас боғлиқ. 3D



лоийҳалаш, BIM, дронлар ёрдамида мониторинг, энергия самарадорлиги юқори бўлган материаллардан фойдаланиш қурилишнинг замонавий юзини белгилайди. Энди ҳар бир лойиҳа нафақат мустақамлик, балки инсон саломатлигига қулай муҳит, архитектура гўзаллиги ва барқарор ривожланиш таъминини ўзида мужассам этган бўлиши зарур. Шу орқали қурилиш соҳаси фақатгина бинолар қурмапти, балки яшаш, ишлаш ва ривожланиш учун янгидан янги имкониятлар яратмоқда.

Баҳодир Мамадалиевнинг меҳнат йўли барқарорлик ва фидойилик намунаси бўлиб хизмат қилади. У ҳар бир қурилиш объектига вақтинчалик иш деб эмас, балки келажак авлодлар яшайдиган, ишлайдиган, яшайдиган муҳитни яратиш деб қарайди. Ортада қолган ўттиз йил давомида у замон билан ҳамнафас юрди – технологиялар ўзгарди, қурилиш услублари янгиланди, лекин у доимо ўз ишига талабчанлик, пухта режалаштириш ва ҳалоллик билан ёндашди. Бугун у нафақат соҳада ўз ўрнига эга тажрибали муҳандис, балки кўплаб ёш мутахассислар учун билим ва масъулият мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Қурилиш – бу бир инсоннинг эмас, бутун жамиятнинг пойдеворини барпо этиш демакдир. Баҳодир Мамадалиев эса бу ҳақиқатни ўз умр йўли билан исботлаб келмоқда. Биз унга мустақам соғлиқ, узок умр ва касбий муваффақиятлар тилаймиз!

АГЛОМЕРАТ – қурилиш материали ҳақида биласизми?

Агломерат – табиий тошлар ёки минералларнинг аралашмаси, шунингдек, пигментлар ва боғловчилардан ташкил топган материал ҳисобланади. Бу маҳсулот энг замонавий муқобиллардан сифат жиҳатидан устун бўлган, истиқболли сунъий тош материалидир.



Бугунги кунда мамлакатимизда агломерат ишлаб чиқаришга бўлган талаб реал тақлифдан анча юқори. Шу сабабли, агломерат ишлаб чиқариш инвестицияларнинг истиқболли йўналиши ҳисобланади. Ҳозирда республикамизда бу материални ишлаб чиқариш ва сотиш бозори ўзининг ривожланиш босқичида.

Айни пайтда агломерат ишлаб чиқариш бозори тез суръатда оммалашмоқда ва бозорда янги ишлаб чиқарувчилар ҳамда хомашё етказиб берувчилар пайдо бўляпти. Россия Федерацияси, Исроил, Португалия, Хитой, Италиянинг бир қатор агломерат ишлаб чиқарувчилари жаҳонда етакчи компаниялардан ҳисобланишади. Исроилнинг "Caesartone", Португалиянинг "Compac", шунингдек, "Plaza stone", "VicoStone" каби агломерат ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 70 турдан ортиқ сифатли агломерат плиталари ишлаб чиқарилаётган бўлиб, маҳсулотларнинг сифати бугун дунёда тан олинган.

Агломерат таркибида табиий мрамар ва гранит, кварс куми, ярим қимматбаҳо ҳамда қимматбаҳо минераллар, металл бўлиши мумкин. Полиэфир смолалар ёки цемент боғловчи модда сифатида ишлатилади. Баъзан юқори мустақам агломерат ишлаб чиқариш учун шиша топадан ҳам фойдаланилади. Агломерат табиий тоғ жинсларининг 80-96 фоизини ўз ичига олади ва шунинг учун унинг хоссалари табиий материалга нисбатан яқин бўлиб қолмади.

Ишлатилган хомашёларга қўра агломерат қуйидаги турларга бўлинади:

- доломитланган агломерат;
- темир рудали агломерат;
- марганецли агломерат;
- ферроманганезли агломерат;
- металлштирилган агломерат;
- фосфорли агломерат;
- хромит агломерат.

Ўз мухбиримиз.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил август ойининг 9-11 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Уй-жойлар қурилишини ривожлантириш ва мақсадли дастурларни мониторинг қилиш бошқармаси бош мутахассиси **Элёр Комиллов**,

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими бош мутахассиси **Ойбек Туляганов**,

Техник метёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти лаборатория қоровули **Юсуф Орифжонов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош архитектори **Сабит Инаев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи мутахассиси **Камал Бекбаев**,

Андижон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Шоҳбоз Обиджонов**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Азизбек Исамитдинов**, етакчи инспектор **Худойберди Қурбонов**, девонхона мудир **Тўлқин Ёриев**,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси қотиба-иш юритувчиси **Шохсанам Эгамбердиева**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси инсон ресурсларини бошқариш бўйича бош мутахассиси **Сайёра Исматова**,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси фарроши **Муҳаббат Авазбаева**,

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "Dobus Kommunal" МЧЖ БСК раҳбари **Эшонқул Ғўзиев**, Мирзо Улугбек туманидаги "Silk Road-Union" МЧЖ БСК раҳбари **Шарофат Тўлаева**, Чилонзор туманидаги "Бошқарув сервис MOON" МЧЖ БСК раҳбари **Сардор Юлдашев**,

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги "Nodir-makon" уй-жой мулкдорлари шirkати бошқарувчиси **Дурдона Маҳмудоваларни** таваллуд кунини билан чин диддан муबारакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

"Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Наманган туманларо иқтисодий судининг 2025 йил 26 февралдаги 4-1505-2402/5830-сонли иқтисодий иш қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган "Best Spining" МЧЖ суд тугатиш бошқарувчисининг 2025 йил 6 августдаги 21-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Риштон тумани, "Фаровонлик" МФЙ, Тўқимачи кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган, **умумий ер майдони** – 45 986,86 квадрат метр, **умумий бино ва иншоотлар майдони** – 21 226,90 квадрат метр, **кадастр рақами** 15:09:01:21:01:0024 бўлган бино ва иншоотлар. **Бошланғич баҳоси** – 117 951 070 000 сўм.

2. Риштон тумани, "Фаровонлик" МФЙ, Тўқимачи кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган, **умумий ер майдони** – 294 квадрат метр, **кадастр рақами** 15:09:01:21:01:0024 бўлган 2 дона иссиқхона ва канализация ва ичимлик сув тармоғи мажмуаси. **Бошланғич баҳоси** – 138 060 000 сўм.

Аукцион савдо 2025 йил 9 сентябрь кунини online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2025 йил 8 сентябрь кунини соат 18.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2025 йил 9 сентябрь кунини сотилмаган тақдирда, тақрорий электрон-онлайн савдолари 2025 йил 1 мартга 15 кун оралигида ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Тақрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати бир иш кунини олдин соат 18.00 гача.

Савдо ёлибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (ийгирма) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш юклатилади.

Талабдорлар юқоридаги мулкнинг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдога рўйхатдан ўтиб тўланади: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиали МФО 01П21 СТИР 31П 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-А уй. **Телефон:** 71-237-23-82.



IJTMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магруппов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусакхх **Марҳамат Мусулмонқуллова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" **НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ** томонидан нашрга тайёрланади.

"ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазириги,
"Ўзсанотқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзАГШКЛИТИ" МЧЖ,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (кабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 841.
1780 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 8 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – 22.20.
Топширилди – 02.00.

123456

Газетанинг навбатдаги сони 10 август кунини чиқади.

Самарқанд вилоятидаги "ТОЛИБ ВОВО АКТ" МЧЖ жамоаси

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

муносабати билан юртимиздаги барча бунёдкорларни қутлайди.

Меҳнаткаш соҳа ходимларига куч-қувват, матонат ва фаровон ҳаёт тилайди.



"O'ZSHAHARSOZLIK LITI"

Юртимиз бунёдкорлиги йўлида ғайрату шижоат билан меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларимизга

Қурилиш соҳаси ходимлари кунини муборак бўлсин!

Бир-бирдан ажойиб ва шинам иншоотлар барпо этишда сизларга куч-қувват тилаймиз!

